

## ҲАРБИЙ ХИЗМАТНИ ЎТАШ ТАРТИБИГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР СУБЪЕКТИ: ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛ

Нодирбек Омонович Юсупов

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси

### АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг субъектига доир илмий-назарий қарашлар таҳлили амалга оширилган, масаланинг миллий қонунчиликда тартибига солиниши билан боғлиқ айрим муаммолар ўртага ташланган ва уларнинг ечимлари юзасидан фикр-мулоҳазалар баён қилинган.

**Калит сўзлар:** жиноят субъекти, маҳсус субъект, ҳарбий хизматчи статуси, чақирув ёши, соҳавий ҳарбий қонунчилик, ҳарбий хизматнинг турлари, ҳарбий хизматда бўлишнинг бошланиши, ҳарбий хизматда бўлишнинг тугаши

### ABSTRACT

The article analyzes scientific and theoretical views on the topic of the subject of crimes against the order of military service, highlights some of the problems associated with the regulation of this issue in national legislation, and also expresses opinion on their solution.

**Keywords:** the subject of the crime, the special subject, the status of the military service, military age, sectoral military legislation, types military service, the beginning of the military service, the end of military service

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги қоидаларига мувофиқ, барча жиноятлар каби ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар таркибини ҳам жиноятнинг обьекти, субъекти, обьектив ва субъектив томонлари ташкил этади. Ўрганилаётган тоифадаги жиноятларнинг субъекти борасида фанда турлича қараш ва ёндашувлар мавжуд бўлиб, биз қўйида айнан “субъект” элементига оид баъзи илмий қарашларни таҳлил қилишга ҳаракат қиласиз.

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига жиноятларнинг субъекти Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари (Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлигининг қоровул қўшинлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат

хавфсизлик хизматининг давлат чегарасини ҳимоя қилиш қўмитаси), Давлат хавфсизлик хизмати, бошқа вазирлик ва идораларнинг ҳарбий бўлинмалари ҳарбий хизматчилари, шунингдек, уларда ҳарбий йигинларни ўтаётган шахслар бўлиши мумкин [1].

Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар субъекти белгиларини тўлиқ англаш учун соҳавий ҳарбий қонунчиликка мурожаат қилиш лозим бўлади. Хусусан, Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисидаги Қонун 4-моддасига кўра ҳарбий хизматнинг турлари қуидагича:

- муддатли ҳарбий хизмат;
- сафарбарлик чақируви резервидаги ҳарбий хизмат;
- контракт бўйича ҳарбий хизмат;

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган резервчилар хизмати [2].

Мазкур Қонуннинг 24-моддасида ўн етти ёшдан йигирма уч ёшгача бўлган, шу жумладан ўқишига қабул қилинган йили ўн етти ёшга тўладиган фуқаролар олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари лавозимларига контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ учун қабул қилиниши кўрсатилган [3]. “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом” 92-бандига мувофиқ, “Олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари ўқиш муддати давомида муддатли ҳарбий хизматчилар учун қонунчиликда белгиланган хукуқ ва имтиёзлардан фойдаланадилар” [4]. Яъни, олий ҳарбий таълим муассасаларининг курсантлари ўз мақомларига кўра, муддатли ҳарбий хизматчиларга тенглаштириладилар. Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида Қонуннинг 4-моддаси мазмунидан муддатли ҳарбий хизматга фақат 18 ёшга тўлган фуқароларни чақиришга йўл қўйилиши англашилади. Кўриб турганингдек, бу ерда “нормалар конфликт” мавжуд. ЖКнинг 17-моддаси учинчи қисмида эса ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг субъекти 18 ёшга тўлган шахслар эканлиги белгиланган.

Олий ҳарбий таълим муассасасининг 17 ёшли курсантини жиноят субъекти деб топиш масаласи жуда баҳсли. Р.В. Закомолдин ва В.И. Плохова 18 ёшга тўлмаган шахс ҳарбий хизматчи мақомини ихтиёрий равишида олгани ва чақирув ёшига етмаганлиги сабабли жиноят субъекти бўлолмайди деб ҳисоблашади [5]. Бошқа бир гурӯҳ олимлар эса жиноятнинг субъектини аниqlашда чақирув ёшига эмас,

қандай шароитда олинганидан қатъий назар “харбий хизматчи” мақоми мавжудлигининг ўзи етарли деган фикрни билдирадилар. Буни курсантларнинг навбатчилик (суткалик наряд), қоровул каби маҳсус хизматларни ўташга жалб этилиши, уларга белгиланган тартибда қурол биринтирилиши, ҳарбий хизматнинг муайян имтиёз ва кафолатларидан фойдаланиши кабилар билан асослайдилар ва шу сабабли умумий тартибда жавобгарликка тортилишлари лозимлигини уқтиришади [6].

Шахсни ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар субъекти деб ҳисоблаш учун унга қонунга мувофиқ “ҳарбий хизматчи” мақоми берилган, ҳарбий хизмат бошланган, давом этаётган ва тутатилмаган бўлиши лозим. Ҳарбий хизматнинг мазкур аспектлари “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунда акс этган бўлиб, унинг 27-моддасига мувофиқ, ҳақиқий ҳарбий хизматда бўлишнинг бошланиши:

муддатли ҳарбий хизматга чақирилган чақирилувчилар ҳамда захирадаги офицерлар учун — ҳарбий қисмга жўнаш мақсадида мудофаа ишлари органида ҳозир бўлган кун;

контракт бўйича ҳарбий хизматга кирган шахслар учун — ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контракт кучга кирган кун;

олий ҳарбий таълим муассасаларига, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ўқиш ҳарбий хизматга тенглаштириладиган таълим муассасаларига ўқишига кирган чақирилувчилар, ҳарбий хизматга мажбурлар учун — тегишли таълим муассасасига ўқишига қабул қилинган кун;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ҳарбий лавозимга тайинланган шахслар учун — тегишли фармон, қарор ёки фармойиш имзоланган кун ҳисобланади.

Ҳарбий хизматдан резервга бўшатилиши ёки истеъфога чиқарилиши муносабати билан ҳарбий қисм командирининг буйруғига биноан шахсий таркиб рўйхатидан чиқарилган кун ҳарбий хизматчи учун ҳарбий хизматда бўлишнинг тугаши ҳисобланади.

Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 38-моддасига мувофиқ, иштирокчи-давлатлар ўз Қуролли Кучлари сафига 15 ёшга тўлмаган шахсларни чақириши тақиқланган, лекин ундан катта ёшлиларни, шу жумладан, вояга етмаган шахсларни чақиришга чеклов ўрнатилмаган [7]. Демак, 17 ёшдан курсант сифатида ҳарбий хизматга қабул қилиш ҳалқаро нормаларга зид эмас. Бироқ бу 17 ёшга тўлган шахснинг ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг субъекти бўла олишини англашмайди. Бошқа томондан, Бола

хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли мажароларда иштирокига тааллукли Факультатив протоколга Ўзбекистон Республикаси қўйидаги мазмундаги баёнот билан қўшилган: “Ўзбекистон Республикаси баён этадики, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафига фуқароларнинг чақируви Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ улар фақат ўн саккиз ёшга тўлганидан сўнг йўл қўйилади” [8]. Бизнинг назаримизда, ҳарбий хизматчи мақомининг мавжудлиги шахсни таҳлил этилаётган жиноятларнинг субъекти деб топишнинг муҳим шартларидан бири, бироқ ёш цензи асосий ва бирламчи аспект бўлиши шарт. Шу боис, олий ҳарбий таълим муассасаларига қабул қилиш ёшини умумий чақирув ёши билан тенглаштирган ҳолда ЖКнинг 17-моддаси талабларига мувофиқлаштириш тарафдоримиз.

Шу ўринда ҳарбий хизматга ғайриқонуний равища чакирилган (муқаддам судланган, чақирув ёшининг юқори чегарасидан ўтган, ҳарбий хизматга яроқсиз ва шу каби) шахсларнинг ҳам тадқиқ этилаётган жиноятлар субъекти бўла олиш масаласига тўхтамоқчимиз. О.К. Зателепин ва И.И. Исраиловларнинг фикрича, гарчи шахс ҳарбий хизматга ғайриқонуний равища чакирилган (кирган) бўлсада субъект деб эътироф этилиши керак [9]. Хусусан, О.К. Зателепин шахс ҳарбий хизматга ғайриқонуний равища чакирилган (кирган) тақдирда ҳам ҳарбий хизматчилар учун белгиланган хуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади, улардан фойдаланади, демак унинг жиноий жавобгарлиги ҳам истисно қилинmasлиги кераклигини таъкидлайди [10]. Собиқ иттифоқ даври жиноят хуқуки фанида ҳам шу қараш устувор бўлган [11]. Ўз навбатида К.И. Егоров, Р.В. Закомолдин, В.Г. Сызранцев, А.А. Тер-Акопов, В.М. Шеншин ва Н.А. Шулепов ҳарбий хизматга ғайриқонуний равища чакирилган (кирган) шахслар таҳлил қилинаётган жиноятларнинг субъекти бўла олмаслигини кўрсатишиди [12]. Назаримизда, биринчи ёндошув мантиқан асослироқдек. Нега деганда, ҳарбий хизматга чакирилган шахс Ватанни қўриқлаш ва ҳимоя қилишга оид ҳамда бошқа хизмат юзасидан мажбуриятларини бажаришга киришади, мавжуд имтиёз ва кафолатлардан тўлиқ фойдаланади. Бу ерда ҳарбий хизматга чакирилиш факти эмас, балки шахснинг ҳарбий хизматчи мақомига эга эканлиги ва ақли расо шахс сифатида ўз ҳақ-хуқуқларини англай билиши бирламчи аҳамиятга эга. Шу сабабли “ҳарбий хизматчи” мақомига эга шахсни, ҳатто у ғариконуний ҳарбий хизматга чакирилган бўлса ҳам, ҳарбий хизматни ўташнинг белгиланган тартибига тажовуз қилган ҳатти-ҳаракати албатта

мазкур жиноятлар учун жавобгарлик доирасида ҳал этилиши керак, деб ҳисоблаймиз.

Назарий изланишларда шунингдек, ҳарбий йигинларни ўтаётган шахсларни ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг субъекти деб топишга оид турли қарашлар шаклланган. Жумладан С.И. Журавлев ва Д.А. Кременскийлар ҳарбий йигинлардаги шахслар тўлиқ ҳарбий хизматчи мақомидаги шахслар экани ва улар ҳарбий йигинларда иштирок этиш орқали ҳарбий хизматни ўташини айтадилар [13]. Назаримизда бу қараш жиноий нормаларни кенгайтириб шарҳлаш натижаси бўлиб, муаллифлар йигинларни ўтаётган шахсларнинг тадқиқ этилаётган тизимдаги айrim жиноятларнинг субъекти бўла олмаслигига оид зарурий шартларни эътибордан четда қолдиришган. П.С. Данилов ҳарбий йигинларга жалб этилган шахслар мобилизацион инсон ресурсларини ташкил қилиши, уларга “ҳарбий хизматчи” статусининг бир қисмигина тааллуқлилиги, улар ҳарбий хизматни эмас балки, ҳарбий хизматга тайёргарликни ўташларини таъкидлайди ва ҳарбий йигинларни ўтаётган шахсларни субъектлар қаторидан чиқариб, улар томонидан ҳарбий йигинлар вақтида содир этиладиган жиноятлар декриминализация қилиниши лозим деб ҳисоблайди [14]. Бу ёндашув бир қарашда, жуда либерал кўринсада, нормал ишлаб турган бутун соҳавий ҳарбий ва жиноий қонунчиликни кардинал жиҳатдан кўриб чиқилишини тақозо қиласи. Шу боис муаллифнинг қарашини айни вақтда бу каби ташабbusларга эҳтиёж мавжуд эмас деб баҳолаган бўлардик. Шунингдек, О.К. Зателепиннинг ёзишича, ҳарбий йигинларнинг мақсади ҳарбий хизматни ўташга тайёргарлик кўриш ҳисобланади ва шу сабаб йигинларни ўтаётган шахслар ҳарбий йигинларни ўташ тартибинигина бузишлари мумкин. Унингча, ҳарбий йигинларни ўтаётган шахслар ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар тизимиға киритилган айrim жиноятлар учунгина субъект бўла оладилар [15]. Шунингдек, Р.В. Закомолдин, С.М. Мальков, П.Е. Мелешколар ҳам шундай қарашни қувватлайди [16]. Биз олимларнинг мазкур фикрини қувватлаймиз. Чунки, ҳиқатдан ҳам ҳарбий йигинларни ўтаётган шахслар жанговар навбатчиликни ўташ, ҳарбий мансабдорлик каби тизим таркибидаги бир қатор жиноятлар учун субъект бўла олмайдилар.

Жиноят хуқуки фанида тадқиқ этилаётган жиноятларнинг субъектлари рўйхатини кенгайтириш зарурати ҳақидаги қарашлар ҳам йўқ эмас. Хусусан, С.А. Соколов ҳалқаро гуманитар ҳуқук нормалари ва умумий принциплариiga асосланган ҳолда ҳарбий асиirlарни ҳам ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг

субъектлари деб топиш мумкинлигини қайд этади [17]. Ҳақиқатдан ҳам “Ҳарбий асиrlар билан қилинадиган муомала тўғрисида” Конвенциянинг 82-моддасида “Ҳарбий асиrlар асиrlикда ушлаб турган давлат Қуролли Кучларида амал қилувчи қонун, низом ва буйруқларга бўйсунадилар. Давлат мазкур қонун, низом ва буйруқларни бузган исталган ҳарбий асиrlга нисбатан интизомий ёхуд суд чораларини қўллаш ҳукуқига эга” деб кўrsатилган [18]. Гипотетик жиҳатдан ушбу нормани ҳарбий асиrlар ушлаб турилган давлатнинг соҳавий ҳарбий ва жиноий қонунчилиги, шу жумладан Умумҳарбий низомларига тўла бўйсунишлари керак, деб талқин қилиш мумкин. Бундай ҳолда улар ҳам ҳарбий хизматни ўташ тартибиغا қарши жиноятларнинг субъектлари бўлишлари керак бўлади. Бироқ, сўз бораётган жиноятлар тизимининг обьекти ҳарбий хизматни ўташ ва ҳарбий хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар эканлигини унутмаслик зарур. Ҳарбий асиrlар асиrlикда ушлаб турган давлатнинг Қуролли Кучларида ҳарбий хизматни ўтамайдилар ва табиийки, қайд этилган обьектга зарап етказа олмайдилар. Ҳарбий асиrlар асиr олинган давлатда ўз ихтиёрига зид равища ушлаб туриладилар ва улар асиrlикда ушлаб турилган давлат олдида хеч қандай мажбуриятга эга эмаслар. Шу сабабли фикримизча, ҳарбий асиrlарнинг ташқи томондан ҳарбий хизматни ўташ тартибиغا қарши жиноятларга ўхшаш ҳатти-харакатларини миллий қонунчилик билан тартибиغا солиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, асиrnинг ушлаб турилган жойдан қочиши дизертирилик деб топилиши мумкин эмас, чунки мақсад ҳарбий хизматни ўташдан бўйин товлаш эмас, балки асиrlикдан қутулишdir.

О.К. Зателепиннинг ёзишича, айrim ҳарбий лавозимларга ҳарбий хизматчилар эмас, балки меҳнат шартномаси асосида ишловчи фуқаролар ҳам тайинланишлари мумкин бўлиб, улар ҳам мазкур жиноятларнинг субъекти бўла оладилар [19]. Фуқаролик персонали жанговар бўлмаган вазифалар учун мўлжалланган бўлиб, одатда таъмиглаш-курилиш ишлари, моддий-техник таъминот, молиявий-ҳукуқий масалалар, тиббий хизмат кўrsатиш каби соҳаларда фаолият кўrsатади. Ҳарбий хизматни ўташ тўғрисидаги контрактдан фарқли равища меҳнат шартномаси шахсга ҳарбий хизматни ўташга оид мажбуриятларни юкламайди ва табиийки, фуқаролик персонали ҳарбий хизматчи мақомига эга бўла олмайди. Шу сабабли улар субъект деб эътироф этилмаслиги лозим.

## ХУЛОСА

Шундай қилиб, бошқа жиноятларнинг субъекти учун муайян ёшга тўлғанлик, ақли расолик белгилари билан бир қаторда, ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларнинг субъекти учун “ҳарбий хизматчи” статусига эга бўлиш мажбурий белги бўлиб ҳисобланади.

## REFERENCES:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги “Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 23-сон қарори 1.2-банди, <https://lex.uz/docs/1449962>
2. “Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида”ти 2002 йил 12 декабрдаги 436-П-сон Конун, <https://lex.uz/docs/78717>
3. Ўша жойда, 24-модда
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги ПҚ-4447-сон қарори, <https://lex.uz/docs/4513434>
5. *Закомолдин Р. В.* Некоторые вопросы уголовной ответственности за преступления против военной службы, совершенные в соучастии // Борьба с организованными проявлениями преступности и обеспечение национальной безопасности / под ред. А. И. Долговой. М., 2019. С. 295–296; *Плохова В. И.* Системное толкование норм об уклонении от прохождения военной или альтернативной гражданской службы (ст. ст. 328, 331, 337–339 УК РФ): монография. Барнаул, 2009. С. 11–12; *Шулепов Н. А.* Теоретические основы реализации уголовной ответственности военнослужащих: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2001. С. 44.
6. *Ермолович Я.Н.* Дифференциация уголовной ответственности военнослужащих: монография. М., 2014. С. 131–135; *Зателепин О.К.* Квалификация преступлений против военной безопасности: монография. Серия: Право в Вооруженных Силах — консультант. М., 2009. Вып. 106. С. 268–275; *Зателепин О.К.* Уголовно-правовая охрана военной безопасности Российской Федерации: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2013. С. 167; *Зателепин О.К., Кислицын М.К., Петухов Н.А., [и др.]* Военно-уголовное законодательство Российской Федерации. Специальный курс: учебное пособие. М., 2004. С. 85–93; *Мальков С. М.* Преступления против военной службы: монография. М., 2015. С. 30; *Терешин А. П.,*

Назарова Е. А. К вопросу о юридической ответственности курсантов военных образовательных учреждений // Право в Вооруженных Силах. 2009. № 12. С. 25–28

7. Конвенция о правах ребенка от 20 ноября 1989 г, <https://www.un.org/ru/documents/declconv/conventions/childcon.shtml>, Ўзбекистон Республикаси мазкур ҳалқаро хужжатга 1992 йил 9 декабрдаги 757-XII-сон Қонунга асосан қўшилган, 1994 йил 29 июлдан кучга кирган
8. Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга доир, болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол, Нью-Йорк, 2000 йил 25 май, [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/rightchild\\_protocol2.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/rightchild_protocol2.shtml); Хужжат Ўзбекистон Республикаси томонидан 2008 йил 12 декабрдаги ЎРК-190-сон Қонунга асосан ратификация қилинган, 2009 йил 23 январдан кучга кирган
9. Зателепин О. К. Уголовно-правовая охрана военной безопасности Российской Федерации: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2013. С. 171; Исраилов И. И. Преступления против порядка подчиненности и воинских уставных взаимоотношений: уголовно-правовой аспект: дис. ... канд. юрид. наук. М., 2011. С. 67–70.
10. Зателепин О. К. Уголовно-правовая охрана военной безопасности Российской Федерации: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2013. С. 172–173.
11. Mac.: Воинские преступления: учебник / под ред. Н. Ф. Чистякова. М., 1970. С. 49–50; Закон об уголовной ответственности за воинские преступления: комментарий / под ред. А. Г. Горного. М., 1986. С. 17–18.
12. Преступления против военной службы / под общ. ред. Н.А. Петухова. СПб., 2002. С. 58–64; Закомолдин Р. В. Ответственность за нарушение правил несения службы по охране общественного порядка и обеспечению общественной безопасности по уголовному законодательству России: дис....канд. юрид. наук. Самара, 2001. С. 121–123;
- Сызранцев В. Г. Воинские преступления: комментарий к главе 33 УК РФ. СПб., 2002. С. 15–16; Тер-Акопов А. А. Преступление и проблемы нефизической причинности в уголовном праве. М., 2003. С. 152; Шенин В. М. Самовольное оставление части или места службы, как преступление против порядка прохождения военной службы: уголовно-правовой и криминологический аспекты: дис. ... канд. юрид. наук. СПб, 2006. С. 76; Шулепов Н. А. Теоретические основы реализации уголовной

- ответственности военнослужащих: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2001. С. 55–61.
13. Журавлев С. И., Кременский Д. А. Основные вопросы прохождения службы в мобилизационном людском резерве // Военное право. 2013. № 1. С. 53–54.
14. Данилов П. С. Субъект преступлений против военной службы // Вестник Омского университета. Серия «Право». 2017. № 2. С. 191.
15. Зателепин О. К. Уголовно-правовая охрана военной безопасности Российской Федерации: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2013. С. 94–95
16. Закомолдин Р. В. Недостатки военно-уголовного закона по реагированию на преступность в сфере военной службы // Криминальные реалии, реагирование на них и закон. Под ред. А. И. Долговой. М., 2018. С. 72; Мальков С.М. Преступление против военной службы: монография, М., 2015. С. 152; Мелешико П. Е. Об уголовной ответственности граждан, призванных на военные сборы, за совершение преступлений, предусмотренных главой 33 Уголовного кодекса Российской Федерации // Право в Вооруженных Силах. 2012. № 8. С. 74–75
17. Соколов С. А. Ответственность за преступления против военной службы: уголовно- правовое регулирование и криминологический аспект: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. М., 2002. С. 17.
18. Конвенция (III) об обращении с военнопленными. Женева, 12 августа 1949 года, <https://www.icrc.org/ru/doc/resources/documents/misc/geneva-convention-3.htm>, Ўзбекистон Республикаси ҳалқаро ҳужжатга 03.09.1993 йилдаги 946-ХП-сон Конунга мувоғик қўшилган, 08.04.1994 йилдан кучга кирган, <https://nrm.uz/contentf?doc=139427>
19. Зателепин О. К. Уголовно-правовая охрана военной безопасности Российской Федерации: дис. ... д-ра юрид. наук. М., 2013. С. 179-181.